



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуридинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Сайнова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Раҳбархон Муртазаева</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
<b>2. Дилором Бобожонова</b> ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
<b>3. Баҳодир Эшов</b> ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
<b>4. Зумрад Раҳмонкулова</b> МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
<b>5. Манзура Аминова</b> ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
<b>6. Тўлқин Ахмедов</b> ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
<b>7. Мансур Бойсариев</b> ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
<b>8. Фируза Жуманиязова</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
<b>9. Муҳаммаджон Исамиддинов</b> АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
<b>10. Баҳыт Кошанов, Ҳакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
<b>11. Shohruhbek Mamadaliyev</b> TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
<b>12. Gulnora Maxkamova</b> XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
<b>13. Уктамжон Мансуров</b> VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
<b>14. Шоназар Матякубов</b> XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

<b>15. Отабек Махмудов</b> «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиєвистик талқинда).....	109
<b>16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov</b> O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
<b>17. Зухра Ражабова</b> ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
<b>18. Мафтуна Рузикулова</b> ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
<b>19. Хасанбой Рахматиллаев</b> ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
<b>20. Lutfiya Salomova</b> AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
<b>21. Наргиза Сейтимбетова</b> ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
<b>22. Shaxnoza Tursunova</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
<b>23. Икромжон Умаров</b> КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
<b>24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova</b> O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
<b>25. Санъат Худайбергaнов</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
<b>26. Ҳабиба Ҳасанова</b> 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
<b>27. Ра’но Qodirova</b> 1936-1937 YILLARDA O‘ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


<b>28. Қосим Қосимов</b> ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
<b>29. Ислон Қаршиев</b> МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
<b>30. Гулжаҳон Шайдуллаева</b> ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
<b>31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova</b> XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
<b>32. Юлдаш Юлдашев</b> ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
<b>33. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
<b>34. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
<b>35. Лазизахон Алиджанова</b> ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
<b>36. Дилрабо Қурбанова</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
<b>37. Камола Саипова</b> УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
<b>38. Аҳадулла Раҳматуллаев</b> ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
<b>39. Азамат Ктайбеков</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
<b>40. Гулнора Худойберганава</b> “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



**Зухра Саъдуллаевна Ражабова,**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
ТАТУ Урганч филиали

## ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

**For citation:** Zukhra S. Radjabova, THE SIGNIFICANCE OF THE CHARACTER OF JALOLIDDIN MANGUBERDI IN EDUCATION OF YOUTH SPIRITUALITY. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.128-133

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485302>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Жалололидин Мангубердининг шахс сифатидаги тарихдаги ўрни, унинг ҳаёти ва фаолиятининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни масаласи очиқ берилган. Жалололидин Мангубердининг бетакрор шахсияти, ибратли ҳаёт йўли ва фаолиятининг ёшлар тарбиясида Ватан ҳимояси муқаддас бурч эканлигини англантишдаги тарихий аҳамияти кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** Жалололидин Мангуберди, ватанпарвар саркарда, хоразмшоҳ-ануштегинийлар, Чингизхон, мўғуллар, Насавий, Жувайний, Рашидиддин, Ибн ал-Асир, Ибн Восил.

---

**Зухра Саъдуллаевна Раджабова,**  
доктор философии по истории (PhD), доцент,  
Ургенчский филиал ТУИТ

## ЗНАЧЕНИЕ ОБРАЗА ДЖАЛОЛИДДИНА МАНГУБЕРДИ В ВОСПИТАНИИ ДУХОВНОСТИ МОЛОДЕЖИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрывается место Джела-ад-дина Менкбурни в истории как личности, роль его жизни и деятельности в воспитании молодежи в духе патриотизма. Показана историческое значение обучения защите Родины как священному долгу в воспитании молодежи на примере уникальной личности, образцового жизненного пути и деятельности Джела-ад-дина Менкбурни.

**Ключевые слова:** Джела-ад-дин Менкбурни, полководец патриот, хорезмшахи-ануштегиниды, Чингизхан, монголы, Несевий, Джувейний, Рашид-ад-дин, Ибн аль-Асир, Ибн Васил.

---

**Zukhra S. Radjabova,**  
Doctor of Philosophy in History (PhD), Associate Professor,

## THE SIGNIFICANCE OF THE CHARACTER OF JALOLIDDIN MANGUBERDI IN EDUCATION OF YOUTH SPIRITUALITY

### ABSTRACT

The article explains the role of Jelal ad-din Mankburni in his personal history, and the new perspectives and approaches to this problem. The historical significance of the unique personality, exemplary life path and activities of Jelal ad-din Mankburni in the education of youth is shown in the sense that the defense of the Motherland is a sacred duty.

**Index Terms:** Jelal ad-din Mankburni, patriotic commander, khorezmian state under the anushteginids, Chingiz-khan, mongols, an-Nasawi, Juwayni, Rashid ad-din, Ibn al-Athir, Ibn Wasil.

### 1. Долзарблиги:

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб давлатчилик тарихини, миллий қаҳрамонлар ва давлат арбоблари фаолиятини холисона ёритиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Республикамиз биринчи Президенти И.Каримовнинг “Бу юрт тенгсиз алломалар, азиз авлиёлар, подшоҳу саркардалар, ботир ва паҳлавонларни кўп кўрган. Улар орасида миллий қаҳраонимиз Жалолиддин Мангубердининг бетакрор номи юлдуздек чарақлаб туради. Султон Жалолиддин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру ғуруридир”, – деган таърифи мазкур мавзунинг долзарб моҳиятини тўлиқ ўзида мужассам этади.

### 2. Методлар:

Мазкур илмий мақолада маълумотларни тизимлаштириш, муаммоларни комплекс умумлаштириш, таҳлил ва даврлаштириш, тарихийлик, холислик тамойиллари кабилар, шунингдек, солиштирма ва комплекс таҳлил, даврлаштириш каби усуллардан ҳам кенг фойдаланилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбек халқининг азиз фарзанди, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган саркарда Жалолиддин Мангуберди хотирасини тиклаш, ҳурмат ҳамда эҳтиром кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 сентябрда “Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги 408-сон қарори қабул қилинди. Бу қутлуғ сана муносабати билан Урганч шаҳрида улкан ободончилик ишлари амалга оширилди. 1999 йилда Шовот канали бўйида баландлиги 20 метр бўлган ўзбек миллий қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди хотирасига ёдгорлик бунёд этилди. Шунингдек, 2000 йил 30 августда “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилиши ва Хоразм вилояти “Жалолиддин Мангуберди” ордени билан мукофотланиши шу юрт фарзандига бўлган юксак эҳтиром рамзи бўлди.

Жалолиддин Мангуберди жасорати ёш авлодни ватанпарварликнинг юксак намунаси сифатида юрт тақдири учун доимо дахлдорликка чорлаб туради. Шу замин фарзандининг қаҳрамонлиги, эрк ва озодлиги йўлидаги курашлари барчани мустақилликни асрашга, тинч ҳамда осойишталикнинг кадрига етишга ундайди, юрт ҳимоячиси фаолиятини ўрганишда ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда ҳам республикамызда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида миллий қаҳраонимиз сиймосига, ҳаёти ва фаолиятига алоҳида ўрин ажратилган. Бу бежиз эмас. Унинг жасоратга тўла ҳаёти, босқинчиларга қарши олиб борган мардонавор кураши, метин иродаси, буюк саркардалик истеъдоди нафақат ўзбек халқи, нафақат турк дунёси, нафақат ислом олами, балки жаҳон халқлари учун Ватанни қандай севишнинг тимсоли бўлиб қолади. Зеро, “...енгилмас саркарда, Ватан ҳимоячиси, миллий қаҳрамон Жалолиддин Мангубердининг она юртимиз озодлиги йўлида кўрсатган беқиёс жасорати ва матонати, мана, орадан неча асрлар ўтса ҳамки, халқимиз учун буюк ибрат намунаси бўлиб келмоқда”.

Ҳозирги кунда вилоят пойтахти Урганч шаҳри қоқ марказида Жалолиддин Мангуберди мажмуаси ишга тушиш арафасида турибди. Бу ерда машҳур ватанпарвар саркарданинг 25

метрлик бронза хайкали ўрнтилган бўлиб, бу мажмуа ва хайкал келгусида Урганч шаҳрининг ташриф қоғозига айланиши аниқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 12-13 март кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Урганч шаҳри марказида буюк саркарда ва ватанпарвар Жалололдин Мангубердига маҳобатли хайкал ўрнатиш лойиҳаси билан танишиб, ўз мулоҳазаларини билдирди.

Президент Ш.М.Мирзиёев бу мажмуани очилиши ҳақида шундай деган эди: “Хайкалнинг улуғворлиги муҳим албатта, лекин менга биринчи навбатда маънавий керак, ёшларимизнинг тарихимизни чуқур билиши зарур. Бу майдоннинг ҳар бир нуқтасида улуғ бобокалонимизга оид содда тилдаги маълумотлар жойлаштирилсин. Султон Мангубердини нафақат бошқа вилоятдаги ёшларимиз, балки хоразмликлар ҳам кўнгилдагидек билишмайди. Олимларимиз яна бир бор маълумотларни кўриб чиқиб, майдоннинг барча бурчакларига жойлаштириб чиқиш чораларини кўринглар”. Демак, мажмуа ва хайкал президентимиз айтганидек, албатта ёшларимизни маънавий тарбиялаш маскани бўлади.

Қолаверса, мазкур мажмуанинг барпо қилиниши эртага ички туризмни ва зиёрат туризмни ривожланишига хаизмат қилиши аниқ. Президентимиз таъкидлаганидек: “Бу ер билим, маънавий, ғурур маскани бўлиши керак. Келганлар айланиб, ҳордиқ чиқариши билан бирга Мангуберди бобомиз ҳаётини яққол тасаввур қилиши, бундан руҳ олиши керак. Хиёбон бўйлаб унинг жанглари, қаҳрамонликлари ҳақида лавҳлар ёзиб қўйиш мумкин. Бу тарихни ва чет тилларини яхши билган гидлар тайёрлаш ҳам зарур”.

Сўнгги хоразмшоҳ Жалололдин Мангуберди шахсияти, фаолияти ва ҳарбий истеъдоди барча даврларда давлат арбоблари, саркардалар ва оддий халқ учун қизиқарли бўлиб келган. Ўрта асрларнинг кўплаб машҳур муаррихлари бу мард аждодимиз ҳақида махсус асарлар ёзишган, тарихларда жасоратини мадҳ этишган. Хонлар, султонлар, амирлар унинг савқулжайш (стратегия) ва тарбиятулжайш (ҳарбий усул, тактика)ларини ўз кўшинларида қўллашга ҳаракат қилишган, ҳарбий академияларда унинг жанг усуллари алоҳида ўрганилган. Бу саркарданинг қаҳрамонлигига барча ҳукмдорлар ҳавас қилишган. Шу жиҳатдан олганда, Жалололдин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти, айниқса ёшларни Ватанга чуқур муҳаббат руҳида тарбиялашдаги ўрни жуда муҳимдир.

Жалололдин Мангуберди барча даврларда озодлик учун курашган қаҳрамон бўлиб келган ва ҳатто келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Айниқса, бугунги кун нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, Жалололдин Мангуберди, шубҳасиз, миллий қаҳрамонимиз ҳисобланади. Дини, миллати ва юрти учун курашган шундай мард қаҳрамон тарихи ёшларга ғурур ва ифтихор руҳини бағишлаши табиий ҳамда келгусида ҳам қанча авлодни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда жуда катта ўрин тутати.

Афсуски, бизнинг Ўзбекистонимизда жамиятнинг барча қатламларида у инсон ҳақида кам маълумотга эгалар. Зеро, Жалололдин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги юртимизда ҳолисона таҳлил асосида нашр қилинган ва ҳолисона фикрлар билдирилган адабиётлар йўқ эмас, аммо улар жуда камчиликни ташкил қилади. Афсуски, борларида ҳам баъзи масалаларда эски тадқиқотларга боғланиб қолинганлик ҳолати ва ундаги фикр ва қарашлар доирасидан чиқилмаган ҳолда баён қилинган адабиётлардан иборат. Баъзи асарлар эса бадий жиҳатдан жуда бўрттирилиб юборилганки, улар илмий асарлар сирасига кирмасдан, ҳаётотга эрк берилган бадий асарга айланиб қолган.

Султон Жалололдин хизматида ўз ҳаётини бағишлаган, унинг сўнгги 7 йили мобайнида доимий ҳамроҳи бўлган, Султон вафотидан сўнг, унинг ҳаёт йўлини тасвирловчи асар ёзган ва унда Султонга хос бўлган довюрлик, адолатлилик, камтаринлик фазилатларини, бизнинг назаримизда, ҳаққоний кўрсата олган аллома ан-Насавий унинг вафотидан 6 йил ўтгач ўз ҳукмдори тўғрисида шундай таъриф беради: “Жалололдин 1198 йил Алоуддин Муҳаммад ва унинг канизаги Ойчечакдан туғилган. У буғдойранг, ўрта бўйли, туркий қиёфали ва туркийча гапирадиган киши эди. Шу билан бирга у форсийда ҳам сўзлаша оларди. Унинг мардлиги, жасурлигига келсак, юқорида ҳикоя қилганим жанглардаги фаолиятини эслаб ўтиш кифоя қилади. У шерлар орасида энг зўр арслон эди, довюрлик чавандоз, лашкар орасида энг ботири

бўлса-да ҳалим, мулоийим инсон эди. У ниҳоятда жиддий, камгап, кулиш ўрнига, фақат жилмайиб кўярди. У адолатни хуш кўрарди, фақат у яшаган даврда юз берган фитналар уни енгиб қўйди. Қўл остидаги одамларнинг оғир ҳаётини енгилаштиришни яхши кўрарди, аммо у яшаган даврдаги алғов-далғовлар, замон қонунлари уни зулм қилишга мажбур этди”.

Насавийга хос қимматли хусусият шундаки, гарчи воқеа-ҳодисаларни Хоразмшоҳлар томонида туриб, ватанпарвар муаллиф нигоҳи билан ёритган бўлса-да, унинг услубида аниқлик ва танқидий нуқтаи-назар устунлик қилади. Зеро, у ушбу асарини Жалололдиннинг ўлимидан 10 йилдан кейин ёзган, яъни Хоразмшоҳлар сулоласи тамом бўлгандан кейин тарихни саҳифаларга битган. Шунинг учун, у бу жараёнда хушомад, мадҳ ва муболағалардан узоқ бўлган, дея оламиз. Насавий гарчи таниқли тарихчи бўлмаса ҳам, ўша даврнинг бошқа тарихчилари кўра олмаган тарихий ҳақиқатни теран илғай олган ва ўз асарида уни далиллар асосида ҳолис акс эттиришга эришган.

Насавий Жалололдинни олийжаноб, чиройли хулқли мусулмон бошлиқ сифатида тасвирлади. Лекин унинг охирги сўзига назар солсак, Жалололдиннинг Ҳиндистондан қайтгандан кейинги ҳатти-ҳаракатларини балки қайсидир маънода изоҳлашимиз мумкин бўлар. Яъни, у нафақат мўғуллар ва насронийлар билан, ҳатто биродарлари мусулмонлар билан курашиб, ноҳақ қон тўкилишига йўл қўйиб берди. Буни кўпгина худудларда Хоразм аскарларининг қилмишлари мисолида кўришимиз мумкин.

Унинг жанг майдонидаги жасорати, шижоатига тарих шоҳид бўлгандек биз ҳам гувоҳ бўлдик. Муҳаммад Хоразмшоҳ мўғулларнинг жанг майдонидаги маҳорати ва қайтмаслигини кўргандан кейин қалбига қўрқув тушиб, улар билан очиқчасига урушишга юраги бетламай, партизанча уруш йўлини танлаганда ўғли Жалололдин отасига мардлик қандай бўлиши кераклигини сўзлар билан ифода қилганди. Ўшанда у отасига: “Сиз қўшинга буйруқ беринг-да, ўзингиз бир четда бизнинг ғалаба қозонишимизни кутинг”, – деган журъатли таклифни билдирган эди.

Насавий асарида Жалололдин мард, жасур жангчи, олижаноб ҳукмдор, илм-фан ҳомийси сифатида гавдаланган. Таҳликали вазият туғилган ҳолларда султон шиддат билан душман устига бостириб бориб, жангчиларини руҳлантирган. Жалололдин душманнинг номдор, кучли полвонлари билан яккама-якка жанг қилишдан чўчимаган. Насавийдан бошқа муаррихларнинг ҳикоя этишича, гуржилар билан бўлган бир жанг олдидан икки кўшин кўз ўнгида Жалололдин жуссасининг бир мунча кичиклигига қарамай, яккама-якка олишувда девқомат бир гуржи паҳлавонини, сўнг унинг уч ўғлини, кейин яна бир душман аскарини ўлдирди. Бундан унинг жангчилари ниҳоятда руҳланади.

Насавийнинг гувоҳлик беришича, вақтининг ниҳоятда тиғизлигига қарамай, у олиму фузало билан учрашишга имкон топган. Жалололдин бир рамазон ойида Табризда “ўттизта уламони номма-ном танлаб, ваъз ўқишга тайинлади. Улардан ҳар бири бир кундан ваъз ўқирди, бу пайтда султон минбар яқинидаги тахтада ўтирарди. У ваъз ўқиш асносида ҳақиқатни айтганларга миннатдорлик билдирар, аксинча, ўзини ҳаддан ошиқ мақтаб, ҳақиқатни хаспўшлайдиганларга танбеҳ берарди. Садриддин ал-Аълавий ал-Мароғий ... султон мақтовига сазовор бўлганлардан бири эди”, деб ёзади Насавий.

Жалололдин ёшлигида даврининг буюк алломаси Нажмиддин Кубро ҳазратларидан таълим олган, адабиёт ва санъатни севган, шеърлар ҳам ёзган. Бу ҳақда эронлик Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Мажма ул-фусаҳо” тазкирасида маълумот бор. Тазкирада Жалололдинга оид гўзал бир форсча рубоий ҳам келтирилган.

Насавийнинг асарида султоннинг халқпарвар, адолатпеша, бағрикенг ва кечиримли бўлганини кўрсатувчи мисоллар бисёр. Жумладан, Жалололдин Табриз ва унинг атрофи аҳолиси қийин аҳволда қолганини кўриб, халқни “уч йиллик хирождан озод этди”, одамларни нон, отларни ем билан "таъминлаш имконияти йўқлигини билгач, Шарафулмулкнинг дон сақланадиган омборларини очишга буйруқ берди, бу ердаги донни новвойхона ва отхоналарга беришни буюрди”.

Жалололдин Хоразмшоҳ озодлик курашининг яловбардори бўлди, тўхтовсиз ўтган кураш йилларида уддабурон ташкилотчи, атоқли саркарда ва улкан давлат арбоби сифатида

ўзини кўрсатди. У қисқа вақт ичида Хоразмшоҳлар империясининг жануби ғарбида, Эрон, Хуросон, Озарбайжон, Ироқ худудиди давлатни тиклади, кўшин бошини бирлаштирди, бутун билими, кучини ватан мудофаасига қаратди ва бу йўлда катта муваффақиятларга эришди ҳам. Бироқ пировардида, ислом давлатлари ҳукмдорларининг калтабинлиги, ички зиддиятлар, амалдорларининг сотқинлиги оқибатида Жалолиддин мўғулларга дош бера олмади ва 1231 йил августда шаҳид кетди.

Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолиятига оид манбалар ичида қимматлилиги жиҳатдан, Ибн Ал-Асирнинг “Ал-комил фит-тарих”, Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонкушо”, Рашидиддин Фазлуллоҳнинг “Жомеъ ат-таворих” Жузжонийнинг “Табақоти Носирий”, Мирзо Улуғбекнинг “Тарихи арбаъ улус” ва Мирхонднинг “Равзат ус-Сафо” асарлари алоҳида ўрин тутати. Аммо, булар ичида фақат Ибн ал-Асиргина Жалолиддин Мангуберди ҳақида салбий фикрлар билдириб ўтган холос. Юқоридаги тарихчилар ичида Жувайний, Улуғбек ва Мирхондлар Жалолиддин Мангуберди ҳақида жуда юқори баҳо берганлар.

Шу ўринда, нима учундир ҳеч бир тадқиқотчи Жалолиддиннинг ёшини ҳисобга олмайди. Хоразмшоҳлар сулоласининг забардаст вакили бўлган Жалолиддин Мангуберди мўғул босқинчиларига қарши курашда мислсиз қахрамонликлар кўрсатганида атиги 33 ёш бўлган. Демак унинг ёрқин хотираси бугунги ёшларимизда Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини англатади, уларни жонажон Ватанимиз мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона хизмат қилишга чорлайди. Жалолиддиннинг сиёсат майдонидаги фаолияти даври унинг 20 – 33 ёшлардаги даврига тўғри келади. Бу ёшларда унинг энг асосий рақиби Чингизхон энди ўзининг уруғи доирасида фаолият олиб бораётган бўлиб, номи ҳали кўшни қабилалар ичида ҳам маълум эмас эди. Шу билан бирга унинг бошқа рақиблари ҳам ёши улуг, тажрибали ҳукмдорлар бўлганлар.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнида Жалолиддин Мангубердининг ёш жиҳатини ҳисобга олиш жуда муҳим натижаларга олиб келади деб ўйлаймиз. Қолаверса, нафақат Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти мисолида балки, Чингизхон ва бошқа мўғул саркардалари, мусулмон дунёси ҳукмдорлари, вилоят ҳокимлари ва қолаверса, халифалар ҳаётини ҳам Жалолиддин Мангуберди ҳаёти билан қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ иш бўлишлигини эътиборга олишимиз зарур.

#### 4. Хулосалар:

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, Жалолиддин Мангубердининг бетакрор шахсияти, ибратли ҳаёт йўли ва фаолияти ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда нечоғли муҳимлигини кўрсатади. Буюк бобомиз Жалолиддин Мангубердининг тарихий сиймоси, Ватан каби муқаддас кўрғонни кўз қорачиғидек ҳимоя қилиш йўлидаги ўчмас жасорати ва бой мероси халқимиз, айниқса замонамиз ёшларига юксак намуна бўлиб хизмат қилади. Узоқ вақт мобайнида қадр-қиммати топталган, тарихий аҳамияти қадрсизланган саркардаларимизнинг улуг номини тиклаш, хотирасини абадийлаштириш, шунингдек, аждодлар мардлиги тимсолида миллий ғурурни юксалтириш имконияти айнан мустақиллик шарофати билан юзага чиққани бежиз эмас.

#### Иқтибослар/Сноски/ References:

1. Каримов И.А. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сузланган нутқ//O'zbekistonda ijtimoiy fanlar. 1999, № 7-8. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.5. (Karimov I.A. Speech at the ceremony dedicated to the 800th anniversary of Jaloliddin Manguberdi's birth//Social sciences in Uzbekistan. 1999, No. 7-8. - Tashkent: Science, 1999. – P.5.)
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 сентябрда “Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги 408-сонли қарори//www.lex.uz. (Resolution No. 408 of the Cabinet of Ministers of the Republic

- of Uzbekistan on September 24, 1998 "On celebrating the 800th anniversary of the birth of Jalaluddin Manguberdi" //www.lex.uz.)
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // 14.10.2017// [https:// president.uz/uz/ lists/ view/ 1147](https://president.uz/uz/lists/view/1147) (Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the extraordinary session of the Khorezm Regional Council of People's Deputies // 14.10.2017// <https:// president.uz/uz/ lists/ view/ 1147>)
  4. Жувайний Алоуддин Атомалик. Тарихи Жаҳонкушо.(Жаҳон фотиҳи тарихи)./ Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Болтабоев, М.Маҳмудов. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2015. – 504 б. (Juvaini Alauddin Atomalik. Tarikhi Jahonkusho. (History of World Victory)./ Responsible editors: H. Boltaboev, M. Mahmudov. - Tashkent: MUMTOZ SOZ, 2015. - 504 p.)
  5. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та'рих. Полный свод истории / Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г.Булгакова [дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С. Камолиддина]. – Ташкент; Цюрих: Изд-во АН РУз, 2005. – 595 с.(Ibn al-Athir. Al-Kamil fi-t-ta'rikh. Complete set of history / Translation from Arabic, notes and comments by P.G. Bulgakov [additions to the translation, notes and comments, introduction and indexes by Sh.S. Kamoliddin]. – Tashkent; Zurich: Publishing House of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, 2005. - 595 p.)
  6. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: “Чўлпон” нашриёти, 1994. – 224 б. (Mirza Ulugbek. History of four nations. – Tashkent: "Cholpon" publishing house, 1994. - 224 p.)
  7. Мирхонднинг “Равзат ас-сафо” асарида Жалололидин Мангуберди зикри. – Тошкент: Фан нашриёти, 1999. – 32 б. (Mention of Jalaluddin Manguberdi in Mirkhand's "Rawzat as-Safa". - Tashkent: Science Publishing House, 1999. - 32 p.)
  8. Рашид ад-Дин. Сборник летописей: в 3 т. / Пер.: А.К.Арендс, Ю.П.Верховский, О.И.Смирнова, Л.А. Хетагуров. М., 2002. Кн. 1-2.2-3. (Rashid ad-Din. Collection of annals: in 3 volumes / Transl.: A.K.Arends, Yu.P.Verkhovsky, O.I.Smirnova, L.A. Khetagurov. M., 2002. Book. 1-2.2-3.)
  9. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалололидин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. / Камол Матёкубов таржимаси./ – Т.: О'zbekiston, 2006. – 384 б. (Shihabiddin Muhammad an-Nasawi. Details of the life of Sultan Jalaluddin Manguberdi. / Translation by Kamal Matyokubov./ – T.: Uzbekistan, 2006. – 384 p.)

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000